## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ҚЎЛЁЗМА МЕРОС ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 1943 йили Академия таркибида, республикада сақланаётган шарқ қўлёзмалари бўлими асосида таъсис этилган.

Ўтган 60 йил ичида Академия тизимида, жумладан, Шарқшунослик институти фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Лекин Шарқ қўлёзмаларини сақлаш, кўпайтириш, улардан фойдаланишни қулайлаштириш, ўрганиш каби масалалар асосий илмий-амалий йўналиш бўлиб қолди.

Марказий Осиё, Ўзбекистон тарихи, мусулмон шарқи илм-фани ва маданиятини қўлёзма манбалар асосида ўрганиш муҳим илмий йўналишлар шаклланишига олиб келди. Кўп йиллар давомида қўлёзмаларни излаш, уларни аҳолидан сотиб олиш учун экспедициялар уюштириш натижасида хазина бойиб борди. Натижада, институт қўлёзмалар фонди дунёдаги энг бой қўлёзмалар хазинасига айланди. Ҳозирда унда 28 минг жилдга жойлаштирилган 70 мингдан ортиқ қўлёзма асарлар, 6000 ҳужжат, мактуб, ёзишмалар сақланади.

Бу фондда Шарқнинг машҳур алломалари: файласуф, математик, доришунос, табиб, тарихчи, адиб ва шоирларнинг кўп жилдли асарлари, рисолаларининг араб, форс ҳамда туркий тиллардаги нусхалари мавжуд. Улар ичида ноёб, бошқа қўлёзма фондларида учрамайдиганлари ҳам бор. Абу Бакр Розий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мотуридий каби алломалар асарлари қўлёзмаларининг қадимий нусхалари шулар жумласидан.

Бу қўлёзмалар асосида институт ходимлари 11 томлик "Шарқ қўлёзмалари тўплами", Алишер Навоий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва бошқа мутафаккирлар асарлари каталоглари, Абу Али ибн Синонинг 6 жилдлик "Тиб қонунлари", Абу Райҳон Берунийнинг 7 томлик "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Масъуд қонуни", "Геодезия", "Ҳиндистон", "Сайдана" каби асарлари, Мусо Хоразмийнинг математикага, Розийнинг кимёга, Али Қушчи, Чағминийларнинг астрономияга оид рисолалари таржималарини нашр эттирдилар. Шунингдек, Форобий, Наршахий, Байҳақий, Самъоний каби файласуф, тарихчиларнинг асарлари таржимада босиб чиқарилди. Бу ишлар институтни бошқа мамлакатлар шарқшуносларига танитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ишларни амалга оширишда институтнинг таниқли олимлари У.Каримов, С.Азимжонова, А.Муродов, А.Арендс, Г.Булгаков, М.А.Салье, С.Мирзаев, Н.Саидов, Ш.Зунунов кабиларнинг хизматлари катта бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви гуманитар фанлар, жумладан, шарқшунослик соҳасининг назарий масалалари ва йўналишларида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Миллий маънавият, миллий мафкуранинг асосини ташкил этувчи миллий маданий меросни илмий ўрганиш кенгайди, чуқурлашди. Совет мафкурасига хос бўлган синфийлик, бирёқламаликдан воз кечилди. Динга, исломга муносабат ўзгарди, ислом маънавиятининг ажралмас қисми сифатида, диний алломалар асарлари маданий ҳаётимизда ўз ўрнини эгаллай бошлади. Миллийлик ва умуминсонийлик ўзининг тўғри, реал талқинини топиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Улуғбекнинг "Зижи Кўрагоний", Мирзо Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий", Фарғонийнинг "Астрономия асослари", "IX — XI асрларда кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг тутган ўрни" каби китоблар нашр этилди.

Ўтмишдаги фан, маданият ва давлат арбоблари юбилейлари муносабати билан уларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий меросини ўрганишга бағишланган қатор рисола, китоблар тайёрлаш ва нашр этиш яхши анъанага айланди. Ўрта Осиёлик алломалар ҳақида зарурий ва изчил маълумотлар берувчи қатор тадқиқотлар ўқувчиларга тақдим этилди. Институт олимлари томонидан тайёрланиб, чоп этилган 3 жилддан иборат "Буюк сиймолар, алломалар" китоби, шунингдек, "Маънавият юлдузлари", "Буюк истеъдод соҳиблари", "Светила духовности" китоблари фанимиз ва маданиятимиз тарихи ҳақида ёркин тасаввур бериши билан алоҳида аҳамиятга эга. Умуман, давлат, илм-фан, маданият арбоблари, уларнинг мероси, фаолияти ҳақида ўлкамизда маълум ва номаълум бўлган йирик истеъдодлар ҳақида тадқиқот олиб бориш, улар меросидан кенг оммага мўлжалланган нашрлар тайёрлаш институт илмий йўналишида муҳим ўринни эгалламоқда. Ҳозир бу борада чет эллик муаллифлар яратган тарихий манбалар устида ҳам изчил тадқиқотлар олиб борилаётир.



Институтда юбилейлар муносабати билан Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Насафий мерослари тадқиқ этилган рисолалар, тўпламлар тайёрланди.

Исломшунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда тасаввуф масаласи муҳим ўрин тутади. Тасаввуф ҳаётга яқинлиги ва эркинлиги, унинг талабларини эътиборга олишга интилиши билан ҳам аҳамиятли. Айниқса, Марказий Осиёда юқори маданий муҳит таъсирида шаклланган кубравия, нақшбандия, яссавия тасаввуфий оқимлари, бу жиҳатдан, бошқа Шарқ мамлакатларига ҳам катта таъсир кўрсатган. Айниқса, Ғиждувоний ва Нақшбанд таълимотлари асосида шаклланган нақшбандия йўналиши ҳозирда ҳам дунё миқёсида алоҳида нуфузга эга. Институтда мазкур тасаввуфий йўналишларни ўрганиш бўйича ҳам муттасил изланишлар олиб борилмоқда. Нақшбанд, Ғиждувоний, Чархий, Жомий, Махдуми Аъзам, Хўжа Аҳрор каби мутасаввифлар ҳақидаги китоб ва рисолалар, ёқланган диссертациялар бунга далил бўла олади.

Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Урганч, Шош, Термиз, Марв каби шаҳарлари ўрта асрларда турли соҳаларда жуда кўп алломалар етиштириб берган ва улар наинки Шарқ, ҳатто жаҳон илм-фани ривожига ҳам улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг асарлари мусулмон Шарқидагина эмас, Ғарб илми-маданияти равнақида ҳам алоҳида ўрин тутган. Европа Ренессансини шакллантиришда муҳим рол ўйнаган. Ренессанс-Уйғониш даври, биринчи навбатда, кескин маданий, илмий, маънавий юксалишни ифодалайди. Шунинг баробарида, ўзининг инсонпарварлик ғоялари, юксак илм, тафаккур, ахлоққа интилишни тарғиб қилиши билан ажралиб туради. Бундай жараён биринчи бор Шарқда вужудга келганини, Марказий Осиё IX-XII асрлар ва XIV-XV асрларда Уйғониш даври хусусиятларини ифодаловчи жараённи бошидан кечирганини алоҳида эслаб ўтиш зарур.

IX-XII асрлар мустақил давлатчилик билан боғлиқ. Бу давр XIV-XV асрларда Марказий Осиёда яна мустақил, қудратли Темур ва темурийлар давлатининг вужудга келиши билан характерланди. Бинобарин, бу даврда маданият янада юксалди. Ҳозирда Шарқшунослик институтида шу давр маданияти, илм-фан тараққиёти босқичларини ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Шўро мафкураси талабларига бўйсундирилган ажнабий Шарқ мамлакатларидаги иқтисодий-сиёсий, ижтимоий жараёнларни ўрганишнинг моҳияти бугун мутлақо ўзгарди. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида танила бориши, бошқа давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқаларнинг кучаюви янги илмий йўналишларнинг вужудга келиши ва ривожланишини тезлаштирди.

Иқтисодий, маданий, дипломатик алоқаларимиз тарихини, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан турли соҳалардаги бугунги муносабатларини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Япония, Германия, Эрон, Франция, АҚШ, Хитой каби мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликда институтдаги қўлёзмалар асосида каталоглар, тарихий ҳужжатлар, турли китоблар нашр этилди. Олимларимизнинг асарлари форс, араб, инглиз, хитой, немис, француз тилларига таржима қилинди.

"Каталог Хивинских казийский документов" (Киото, 2000 г.), "Краткий каталог суфийских произведений" (Берлин, 2000 г.), "Форс тилидаги қўлёзмалар каталоги" (Теҳрон, 2002 й.), "Араб тилидаги қўлёзмалар каталоги" (Дубай, 1998 й.), "Хожа Аҳрор ва унинг сафдошлари хатлари" (Нью-Йорк, 2002 й.) ва бошқа ишлар шулар жумласидан.

Олимларимиз чет мамлакатлардаги конференция, семинар, учрашувларда фаол иштирок этмоқдалар. Институт мавқеи чет эл ўқув ва илмий муассасалари орасида борган сари кучайиб, ортиб бормоқда. Ҳиндистон, АҚШ, Япония каби мамлакатлардан ёш олимлар келиб институтда йиллаб илмий иш олиб бормоқдалар.

Ҳукуматимизнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори Академия, жумладан, Шарқшунослик институти ривожи учун янги босқич бўлиб хизмат қилади.

Ундан илмий мавзуларни ҳозирги замон талабларига янада мослаштириш, уни янги технологиялар билан бойитиш, илмий ютуқларни кенг халқ оммасига изчил тарғиб этиш, тадқиқотларни таълим-тарбия жараёнига янада яқинлаштириш, чет эл марказлари билан илмий алоқаларни кучайтириш каби муҳим вазифалар келиб чиқади.

**Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, академик**

**БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ИБРАТИ**

**Буюк ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмий дунёда алгебра фанига асос солган. "Алгебра" сўзи ҳам Муҳаммад Хоразмийнинг "Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобола" номли асаридан олинган.**

**Олимнинг "Ал-Хоразмий" номи "алгоритм" шаклида фандан абадий жой олди.**

**Буюк ватандошимиз ўзининг "Зижи Хоразмий" асарида бошланғич меридиан сифатида Арин (ҳозирги Ҳиндистондаги Чжайи) шаҳридан ўтган меридианни танлаган. Ватандошимиз илгари сурган ана шу Арин ғоясидан келиб чиқиб, 1410 йилда Аналик Петр (Франция) ўзининг "Ернинг тасвири" номли асарини ёзади. Кейинчалик бу асардан Христофор Колумб фойдаланган. Ал-Хоразмий илгари сурган Арин ғоясига кўра, Ер ноксимон эканлиги ва ернинг Арингa қарама-қарши тарафида Арингa ўхшаш қуруқлик борлиги таъкидланади. Содда қилиб айтганда, Христофор Колумб улуғ аждодимиз ғоясига таяниб, Америка қитъасини кашф этган.**

**БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ИБРАТИ**

**Аҳмад Фарғонийнинг "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби" асари XII асрдаёқ Европада лотин тилига икки марта, XIII асрда эса бошқа хорижий тилларга жуда кўп марта таржима қилинган.**

**Энг муҳими, ватандошимизнинг бу асари ўша пайтда Европа университетларида асосий дарслик вазифасини ўтаган.**

**Европа уйғониш даврининг йирик намояндаларидан бири, машҳур олим Региомонтан XV асрда Италия ва Австралия университетларида Аҳмад Фарғоний асарларидан маъруза ўқиган.**

# ҲАРОБАЛАРДА ПИНҲОН ТАРИХ

## ЁХУД ЎЗБЕК ҚАДИМШУНОСЛИГИНИНГ АЛП ОДИМЛАРИ

1970 йил фанимиз учун қутлуғ келди: Туркистоннинг энг кўҳна шаҳарларидан бири — Самарқанднинг 2500 йиллик санаси кенг нишонланди. Ушбу тадбир рўйхатида азим Самарқанд шаҳрида ЎзФа нинг махсус Археология илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш вазифаси ҳам турарди. Бу эзгу ишнинг асосий ташаббускори академиянинг ўша пайтдаги вице-президенти, академик Иброҳим Мўминов эди.

Институтни ташкил қилиш, унинг биносини қуриш бу буйруқ билан амалга ошириладиган иш эди, албатта. Лекин энг асосий муаммо — институтни кадрлар билан, олимлар билан таъминлаш масаласи ҳали олдинда эди. Чунки қадимшунос олимларнинг асосий қисми Тошкентда эди (улар Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг қадимшунослик бўлимида ишлашар эди ва Археология институти мана шу қадимшунослик бўлими негизида ташкил этилган эди). Қадимшунослик фидойиси бўлган олимлар яна бир бор жонкуярлик қилдилар — Аҳмадали Асқаров, Ўткир Исломов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Юрий Буряков, Мирвоҳид Қосимов, Абдуғани Абдуразоқов, Сергей Кабанов, Рустам Сулаймонов, Шарифхўжа Тошхўжаев, Мирсодиқ Исҳоқов, Эргаш Ҳожиев, Галина Шишкина, Маргарита Филанович, Хуан Дуке каби олимлар Тошкентдаги ҳовли-жойларини, боғ-роғларини, шинамгина уйларини ташлаб Самарқандга — икки-уч хонали хонадонларга кўчиб келишди. Устоз — академик Яҳё Ғуломов эса бу ташкилий ишларнинг асосий ижрочиси ва бошқарувчиси, шогирдларининг илҳомчиси эди. Академиянинг ҳақиқий аъзоси, кексайиб қолган, бир оёғи ҳамиша академияда бўлган олимнинг Самарқандга кўчиб келиши қийин эди. Буни жуда яхши англаб етган шогирдлари у кишини қистаб ўтиришмади, кўнгил учун «юринг-юринг» қилишди. «Институтни ташкил қилишда Тошкент билан битадиган муаммоларни юз фоиз бўйнимга оламан, энди асосий ишни амалга ошириш сизлардан — ёшлардан, сизлар боринглар», деб домла Тошкентда қолди.

Институт олтита бўлимдан таркиб топди ва бу бўлимлар институтнинг тузилишигина эмас, айни пайтда унинг илмий йўналишларини белгиловчи омиллар ҳам бўлди. Улар қуйидагилар эди:

1.Тош даври қадимшунослиги бўлими. 2. Антик давр қадимшунослиги бўлими. 3. Ўрта асрлар қадимшунослиги бўлими. 4. Ўзбекистон суғорилиши тарихи бўлими. 5. Қадимшунослик моддий-маданият манбаларини таъмирлаш, консервация ва кимёвий-технологик таҳлил қилиш тажрибахонаси. 6. Самарқанд шаҳар тарихи музейи ишлари бўлими.

Институтнинг ташкил этилиши ва унинг олдига йирик-йирик илмий мавзуларнинг қўйилиши ва бу режаларни амалга ошириш учун кадрлар ва илмий ходимларнинг сони масаласи ҳам муаммо бўлиб қолди. (Тошкентдан кўчиб келган олимлар камлик қилар эди). Археолог кадрлар Ўзбекистон миқёсида асосан Тошкент Давлат Университетининг Ўрта Осиё археологияси кафедрасида тайёрланар эди. Қўшимча қадимшуносларни тайёрлаш ва уларни ўқитиш учун Тошкент ва Ўзбекистоннинг вилоятларидаги олий ўқув юртларини тугаллаган истеъдодли ёшлар танланиб, Москвадаги СССР Фанлар академияси археология институтига, Москва Давлат Университети археология кафедрасига, СССР ФА Археология институтининг Ленинград бўлимига аспирантураларга ва докторантураларга юборилди. Уларга ушбу илм даргоҳларининг Ўрта Осиё тарихи ва қадимшунослиги бўйича иш олиб борувчи йирик олимлари илмий раҳбарлик қилдилар. Бу олимлар ёз ойларида Ўзбекистонга қайтиб келиб, Археология институтининг илмий сафарларида иштирок этишар, ўзларининг илмий мавзулари ва диссертациялари учун манба йиғишар, қишда эса бу манбаларни илмий таҳлил қилиш ва ўқишларини давом эттириш учун яна Москва ва Ленинградга қайтиб кетишар эдилар. Уларнинг барчаси тез орада номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлаб, ўз илмий фаолиятларини давом эттириш учун яна Самарқандга қайтиб келишди.

Етмишинчи йиллардаёқ ўзбек қадимшунослари Ўрта Осиёнинг икки дарёси — Сирдарё ва Амударё оралиғида жойлашган ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадимги Шарқ тамаддуни энг қадимий марказларидан бири бўлганлигини ва ўзининг жуда қадимий маҳаллий маданияти ва маҳаллий анъаналарига эга эканлигини батамом исботлаб бердилар.

Тош даври қадимшунослиги олимлари зиммасида жуда масъулиятли илмий изланишлар турарди. Чунки Ўзбекистон ҳудудида институт ташкил этилгунча ҳам катта-катта кашфиётлар қилинган, бу кашфиётлар баробарида янги кашфиётларни амалга ошириш эса игна билан қудуқ қазиш каби мушкул иш эди. 1938-1939 йилларда А.П.Окладников бошлиқ илмий сафар томонидан Сурхондарёдаги машҳур Тешиктош ғоридан неандертал бола суякларининг топилиши оламшумул воқеа сифатида фан оламига маълум қилинди. 1939-40 йилларда Д.Н.Лев томонидан Самарқанд манзилгоҳидан юқори палеолит даврига мансуб нодир тош қуроллар мажмуаси қўлга киритилди. Ундан ташқари шу олим томонидан 1948 йилда Самарқанднинг жанубидаги Омонқўтон қишлоғи атрофидан қадимий ғор топиб ўрганилди. 1964-65 ва 1968-69 йилларда Тошкент вилоятидаги Обираҳмат ғорида Насриддинов ва Р.Сулаймонов кенг миқёсдаги қазишма ишларини олиб бордилар.

Институтнинг очилиши Ўзбекистон ҳудудидаги тош даври ёдгорликларини, қолаверса, Ўрта Осиёнинг тош даври моддий маданияти ва тарихини ўрганишни янги поғонага кўтаришга асос бўлди. 70-йилларда Н.Тошкенбоев томонидан Самарқанд вилоятида Зирабулоқ, Қўтирбулоқ тош даври ёдгорликлари топилди. Шу йилларда Ў.Исломов томонидан Сурхондарёдаги Мочай, Фарғона водийсидаги Обишир ғорларидан мезолит ва неолит даврига оид бой тош буюмлар мажмуаси қўлга киритилди. Т.Мирсоатов эса Нурота тоғларидаги Учтут ёдгорлигидан палеолит давридан неолит давригача давом этган чақмоқтош қазиб олинган қадимий шахталарни топиб, тадқиқ этди.

Ўша йилларда М.Р.Қосимов томонидан Тошкент вилоятининг Оҳангарон дарёси водийсидан топилган Кўлбулоқ ёдгорлиги том маънодаги кашфиётдир. Бу ёдгорликда қадимий аждодларимиз ҳаёти илк, ўрта ва сўнгги палеолит даврларида узлуксиз давом этгани ўз аксини топган. Бу каби хусусиятга эга бўлган тош даври ёдгорликлари дунё миқёсида ҳам бармоқ билан санарли. Шунинг учун Кўлбулоқ Марказий Осиё тош даври қадимшунослиги учун том маънодаги намунавий ёдгорликдир. Бу йирик тош даври ёдгорлигида қазишма ишлари айни кунларда ҳам давом этмоқда.

Орадан кўп ўтмай, нафақат тош даври қадимшунослигида, қолаверса Ўзбекистон тарихини ўрганишда яна бир муҳим кашфиёт қилинди. Фарғона водийсида Селунгур номи билан юритиладиган ғордан қарийб 1,5 миллион йил муқаддам яшаб ўтган қадимги аждодларимиздан қолган осори атиқалар — тош қуроллар топилди. Бу эса Марказий Осиёда одамнинг пайдо бўлиш даврини бир неча юз минг йилга қадимийлаштириш имконини берди.

Ўзбекистон ҳудудида инсоният тамаддунининг энг қадимги воҳаларидан бири — қадимги Бақтрия (ҳозирги Сурхондарё вилояти, жанубий Тожикистон ва Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари) бўлиб, бу ўлкада Археология институтининг Аҳмадали Асқаров бошлиқ илмий сафари кенг миқёсда қадимшунослик тадқиқотларини олиб борди. Илмий сафарнинг 70-йиллардаги энг муҳим кашфиётларидан бири тўнж (бронза) даврига оид қадимий қишлоқ харобаси — Сополлитепанинг тўлиқ очилиши бўлди. Бу ёдгорлик Ўзбекистон ҳудудида топилган энг қадимги қишлоқ қолдиқлари бўлиб, унинг аҳолиси зироат ва ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Саксонинчи йилларда Т.Ширинов раҳбарлик қилган Бақтрия илмий сафари Сополлитепага яқин ҳудудда жойлашган Жарқўтон ёдгорлигида катта илмий кашфиётни амалга оширди. Бу ерда энг қадимий шаҳар харобалари — арк, ҳокимлар саройи, мудофаа иншоотлари ва аҳолининг истиқомат уйлари очиб ўрганилди. Эрамиздан аввалги II мингинчи йилликнинг ўрталарига оид бу ёдгорлик Сополлитепа меъморчилигида кўзга ташлана бошлаган илк шаҳарсозлик маданияти анъаналарининг ривож топа бошлаганидан далолатдир.

Бу илмий сафарнинг 70-80-йиллардаги яна йирик бир кашфиёти — Жарқўтон ҳудудида улкан оташпарастлар ибодатхонасининг топилиши ва тўла қазиб очилиши билан изоҳланади.

Жарқўтондаги оташпарастлар ибодатхонаси эрамиздан олдинги 1500-1350 йилларга оид бўлиб, у том маънода катта бир воҳа аҳолиси учун хизмат қилган йирик марказий диний иншоотдир. У, ўша даврнинг энг моҳир меъморлари томонидан, диний меъморчилик қонун-қоидаларига ва қадимги диний анъаналарга риоя қилинган ҳолда, аввалдан тайёрланган махсус тарҳ асосида бунёд этилган. Бу ибодатхонанинг очилиши яна бир тарихий ҳақиқатни юзага чиқарди: яъни зардуштийлик динининг асл ватани Ўрта Осиё эканлигини рўй-рост айтиш имконини берди.

Археология институти томонидан амалга оширилган яна энг йирик ишлардан бири — Ўзбекистон ҳудудида мавжуд ёдгорликларни ҳисобга олиш ва «Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари мажмуаси» ни тузиш бўлди. Бир неча йиллар давомида институт олимлари томонидан Ўзбекистон ҳудудида 7500 дан ортиқ қадимшунослик ёдгорликлари борлиги аниқланди, қадимий шаҳарлар ва қишлоқлар, мудофаа ва сунъий суғориш иншоотлари, қадимий қабристонлар ва мозорқўрғонларнинг қолдиқлари муфассал ўрганилди ва уларнинг топографик чизмалари қоғозга туширилди. Шу жараёнда ҳали фанга умуман маълум бўлмаган юзлаб бебаҳо қадимий обидалар ҳам аниқланди.

Институтнинг кўп йиллик асосий тадқиқотларидан бири — Ўзбекистон ҳудудида шаҳарларнинг шаклланиши ва йириклашиши жараёнларини ўрганиш муаммоларига қаратилди. Бақтрия, Сўғдиёна ва Чоч ҳудудларида муҳим тадқиқотлар олиб борган А.Асқаров, Ю.Буряков, Р.Сулаймонов, Э.Ртвеладзе (Санъатшунослик институти олими), Т.Хўжаев, М.Исомиддинов, М.И.Филонович каби институт олимлари Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Бу мукофот замирида бутун институт жамоасининг кўп йиллик мураккаб илмий фаолиятининг натижалари ётар эди.

Институт қадимшунослик фанининг айрим илмий муаммоларига бағишланган бир неча бутуниттифоқ илмий анжуманлар ўтказишга эришди. Бу илмий анжуманларда собиқ иттифоқнинг Ўрта Осиё тарихи ва қадимшунослиги устида иш олиб борувчи йирик олимлари ҳам қатнашардилар. Анжуманлар ёшларга бу соҳанинг билимдон, машҳур олимлари билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш, ўзлари қилган илмий маърузалар учун ўша олимларнинг баҳосини олиш имконини берди. Мана шу даврда институтнинг кўплаб олимлари халқаро миқёсда ўтказилган илмий анжуманларда ҳам фаол қатнаша бошладилар. Шу орада институтнинг бир гуруҳ олимлари Афғонистонда машҳур Тиллатепа хазинасининг топилишида бевосита иштирок этдилар. Бундай таклифлар Археология институти илмий нуфузининг тан олинишини кўрсатувчи омиллар эди.

Саксонинчи йилларнинг бошида Археология институти йирик ва нуфузли илмий ташкилотларидан бири сифатида шуҳрат қозонди ва олиб борилаётган қадимшунослик тадқиқотлари, хорижий мамлакатлар олимлари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғота бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ 1983 йилда институтда йирик халқаро илмий анжуман — Совет-Америка симпозиуми ўтказилди. Бу тадбир ўша давр сиёсати нуқтаи назаридан қараганда, мисли кўрилмаган иш эди. Симпозиум ишида Америка Қўшма Штатларидан келган йирик тарихчи, қадимшунос ва шарқшунослар билан бирга Москва, Ленинград (Санкт-Петербург) ва бошқа марказий шаҳарлардан келган олимлар ҳам иштирок этдилар. Бу симпозиум Археология институтининг халқаро миқёсга чиқишида ва халқаро миқёсда тан олинишида илк қадами бўлди.

1986 йили Археология институтида яна бир йирик халқаро илмий анжуман — «Бақтрия-Тохаристон ва Суғднинг шаҳар муҳити ва маданияти» мавзуида Совет-Франция коллоквиуми ўтказилди. 1988 йили Археология институти Ўзбекистонда биринчи бўлиб Франция Илмий Тадқиқотлар Миллий марказининг СНРС - 1222 қадимшунослик гуруҳи билан Қадимги Суғдиёна ҳудудида ҳамкорликда иш бошлаш учун халқаро шартнома тузишга эришди. 1990 йилда институтда бир пайтда иккита йирик халқаро анжуман — ЮНЕСКОнинг «Марказий Осиёда қадимда ва Ўрта асрларда Буюк Ипак йўлининг шаклланиши ва тараққиёти» халқаро семинари ва унинг тадрижий давоми сифатида «Қадимда ва Ўрта асрларда Самарқанд маданияти ва Сўғднинг тарихий алоқалари» совет-француз коллоквиуми бўлиб ўтди.

1991 йилда эса Археология институтининг бевосита ташаббуси ва иштироки билан жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган 50 дан зиёд энг йирик ва машҳур олимларидан ташкил топган «Буюк Ипак йўли — мулоқотлар йўли» халқаро илмий сафари Туркманистон пойтахти Ашхабод шаҳридан то Хитой чегараларигача Ўрта Осиё республикалари ҳудудида жойлашган қадимий шаҳарлар, йирик қадимшунослик ва меъморий ёдгорликлар бўйлаб икки ойлик илмий сафар уюштирдилар. Бу илмий сафарнинг раҳбарлари — покистонлик машҳур шарқшунос олим Аҳмад Доний ва ўзбек олими, академик Аҳмадали Асқаров эдилар.

Мустақиллик Археология институти учун жаҳон эшикларини ланг очиб берди. Институт Ўзбекистон ҳудудида ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш учун жаҳоннинг энг ривож топган мамлакатлари илмий марказлари билан шартномалар тузишга киришди. Ўзбек археология фани том маънода халқаро обрўга эга бўлди, ўзбек халқи тарихини ўрганиш халқаро миқёсга чиқди. Бугунги кунда Франция Республикаси Илмий Тадқиқотлар Миллий Маркази (УМР-126.6) билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбек-Франция-Суғдиёна халқаро илмий сафари қадимги Афросиёб ва Кўктепа шаҳар ёдгорликларида кенг миқёсда қазишма ишлари билан машғул.

Олмония Археология институти билан уюштирилган илмий сафар Сурхондарё вилоятининг Жарқўтон ёдгорлигида, оташпарастлар ибодатхонасида ва шаҳар саройи харобаларида қазишма ишларини давом эттирмоқда. Ўтган йили бу илмий сафар аъзолари Жарқўтондан Ўрта Осиёда энг қадимги ҳайкал намунасини топдилар.

Италиянинг Рим Университети олимлари билан Бухоро воҳасида, шаҳар ҳокимлари — бухорхудодларнинг қароргоҳи — машҳур Варахша яқинидаги Учқулоқ ёдгорлигида қазишма ишлари бошлаб юборилди.

Япониянинг Киото Университети олимлари билан ҳамкорликда Эски Термиздаги Қоратепа будда ибодатхонаси харобаларида олиб борилаётган изланишлар Термиз шаҳри буддавийлик динининг Ўрта Осиёдаги маркази бўлганлигини исботлабгина қолмай, балки жаҳон буддавийлиги тарихини ўрганишда ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир.

АҚШнинг Калифорния Университети билан тузилган халқаро қўшма илмий сафар Шаҳрисабз яқинидаги Сангиртепа, Подаётоқтепа ва Узунқир ёдгорликларини тадқиқ этмоқда. Бу ҳудуддаги ёдгорликлар бундан 2700 йил аввал шаклланган қадимий шаҳарнинг бизгача етиб келган харобалари бўлиб, ушбу қазишмалар натижалари Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик санасини нишонлаш учун илмий асос қилиб олинди.

Россия Давлат Эрмитажи билан ҳамкорликда тузилган илмий сафар эса Бухоро вилоятидаги Пойкент шаҳар харобаларини синчиклаб ўрганмоқда. Ҳозирги Қоракўл тумани ҳудудида жойлашган бу кичик шаҳарча араблар истилосига қадар Марказий Осиёнинг энг йирик савдо манзилларидан бири бўлиб, пойкентлик савдогарлар Рум (Византия) ва Хитой билан савдо-сотиқ ишлари олиб борганлар. Бу ердан топилаётган моддий-маданият буюмлари ҳам айнан шундан далолат бермоқда.

Польшанинг Варшава Университети олимлари билан Қизилқум чўлларидаги неолит даври манзилгоҳларида давом этаётган тадқиқотлар бу чўллар бир пайтлар одамларнинг яшашлари учун қулай бир манзил бўлганлигини исбот этдилар.

Россия Фанлар академияси Сибирь бўлими Археология институти билан ҳамкорликда тузилган илмий сафар Ўзбекистоннинг тош даври ёдгорликларида кенг миқёсда қазишма олиб бормоқда.

Бугунги кунда Археология институти олимлари маҳаллий ва МДҲ нашрларида 100 дан ортиқ илмий монография, бир неча мингдан ортиқ илмий мақола нашр эттирдилар ва уларнинг 10 дан ортиқ монографияси ва 100 дан ортиқ илмий мақоласи жаҳоннинг энг нуфузли илмий нашриётларида босилди. Шу кунгача институтнинг 3 ёш олими Олмониянинг нуфузли Гумбольд жамғармаси стипендиясига, 6 ходим шу давлатнинг ДААД жамғармаси стипендиясига, 2 ходим Франциянинг Дидро жамғармаси стипендиясига, 1 ходим Италиянинг Шарқий Насронийлик институти грантига, 1 ходим Грециянинг Александр Онасис грантига сазовор бўлдилар.

Бугунги ўзбек қадимшунослик мактабининг асосий муваффақиятлари Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтида ушбу даргоҳ ташкил этилгандан буён шу кунларгача юқори даражадаги соф илмий муҳит ҳукмронлик қилиб келганлигида ва замонавий ибора билан айтганда «жаҳон андозалари»да илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган олимлар жамланганлигидадир.

Ўзбек қадимшунослигининг ҳозирги кундаги бош илмий йўналиши ва мақсади мамлакатимиз ҳудудида шаклланган қадимий маданият Шарқ тамаддунининг ажралмас таркибий қисми эканлигини исботлагани ҳолда, Ўзбекистон мустақиллиги берган чексиз имкониятлар шарофати билан бу ҳудудда яшаётган миллатлар ва элатлар қадимий тарихининг ҳаққоний манзарасини қайта яратиш йўлида тинимсиз изланишдан иборатдир.

**Темур ШИРИНОВ,**
**ЎзР ФА Археология институти директори,**
**Абдусобир РАИМҚУЛОВ,**
**институт илмий котиби**

**БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ИБРАТИ**

**Дунё цивилизациясининг ривожи яна бир буюк ватандошимиз Абу Наср Форобийнинг номи билан чамбарчас боғлиқ.**

**Буюк ватандошимиз ўз даврида "Иккинчи муаллим" ёки "Шарқ Арастуси" деб эътироф этилгани ҳам унинг илмдаги салоҳияти, тафаккур дунёси нечоғли кенг эканлигини кўрсатади.**

**Улуғ бобокалонимиз юнон фалсафасини чуқур ўрганган ва бу таълимотни ўз қарашлари билан янада бойитган. Энг муҳими, юнон фалсафасининг хизматлари тенгсиздир. Жумладан, Европа аҳли бобомизнинг улкан хизматлари туфайли юнон фалсафасидан баҳраманд бўлган.**

**Абу Наср Форобий жуда кўп фанлар бўйича етук олим ҳисобланган. Хусусан, у IX асрдаёқ ўзининг "Юлдузлар ҳақидаги қоидаларда нима тўғри ва нима нотўғрилиги ҳақида" асарида Ойнинг тутилиши Ернинг Қуёш билан Ой ўртасига тушиб қолишига боғлиқлигини исботлаб берган.**

**“Ойдин кечалар” номли илк лирик қиссам биринчи марта “Гулистон”да эълон қилинган. Шундан бери мана қанча йиллар ўтиб кетибди. Инсон ҳаёти гўё дарёга қиёс. Қўшиқда куйланганидек: “Оқар дарё экан, оқди-да кетди...”. Энди ҳеч қачон орқага қайтмас. Умр ҳам, ёшлигинг ҳам.**

**“Лекин ойдин кечалар, азиз дўстларим, гўё абадийдек.**

**Ойлар, йиллар ўтса ҳамки ҳар йил, ҳар ой, ҳар баҳор қайтиб келаверади. Ўша кўҳлик фазо маликаси мағрур сузаверади. Ўша сокин дарё ой нурида мавжланиб оқаверади”.**

**Ушбу сатрлар ҳам шу қиссадан. Ўша кунларни эслаб, “Ойдин кечалар” билан боғлиқ бир ҳикоятни сўзлаб бермоқчиман.**

Мақсуд ҚОРИЕВ

# ОЙДИН КЕЧАЛАР

Кўпчилик баҳорни яхши кўради. Ахир, гуллар фаслини ким севмайди дейсиз? Гуллар майлию, мевали дарахтларнинг шу гўзал айёмда қийғос очилиб, табиатга кўркамлик бахш этганини айтмайсизми! — Жийда гуллаган кезларда, унинг муаттар бўйлари оламни тутиб кетишини эслайсизми?

Шундай бўлса ҳам ҳар фаслнинг ўз хислати, фазилати бор деганларидек, мен негадир ёз фаслини ёқтираман. Оқар сувлар, сарҳовузлар, мовий денгизларда чўмилиб, қуёшнинг ҳаётбахш нурларидан баҳра олиб роҳатланишга, айтинг, не етсин!..

Иссиқ кунлар бошланиши билан Қора денгиз соҳилидаги бир оромгоҳга дам олишга кетдим. Сокинлик қўйнидаман. Фақат денгиз тўлқинларининг шовуллашию, атроф тоғлардан, сўлим боғлардан эсаётган майин еллар кишига роҳат бахш этади.

Оромгоҳнинг биз жойлашган хонасидан мовий денгиз кафтдек кўриниб турарди. Нақадар гўзал, мафтункор, беқиёс кўркам бир манзара! Уммондек бепоён денгизга маҳлиё бўлганча бир нуқтага тикилиб қоламан. Қаранг-а, бир кунда неча хил рангга кириб товланади. Эрталаб бошқача эди, қуёш чиққач, яна ўзгача рангга кириб олади. Кечқурун бўлса, қоп-қора! Шу сабаб, уни “Қора денгиз” десалар керак.

Табиатнинг мўъжизаси-да, бу! Мана, эртадан бери денгиз сокин. Қуёш чарақлаб, бутун оламни мунаввар айлаган. Қаранг, қандайдир бир пасда шамол келди-ю, осмон гумбазида момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақа бошлади. Кейин қаттиқ шамол билан сел келиб, бутун дов-дарахтларни силкитиб, бесаранжом қилиб, сўнг чўмилтира бошлади. Табиатнинг бу марҳаматими, ё зуғумими? Денгиз безовта. Бунақа вақтда тўлқин бошланса борми, ҳафталаб тинмайди, ўзини қирғоқларга уриб пишқиради, кейин чарчаб, ҳолдан тойиб, оқибат бутун денгизни безовта қилаётган аждаҳо бир пасда қайгадир ғойиб бўлади.

Кеч. Яна сокинлик. Офтоб ҳаммаёқни шафақ рангга бўяб, қизариб ботиб кетмоқда. Қуёш қизариб ботса, эртага кун очиқ бўлади, деганлар бобокалонлар.

Ой тўлишган эди ўшанда. Ҳамиша ҳавас билан ардоқлаб айтиладиган ўн тўрт кунлик Ой кўкда мағрур сузади, гўё ана шу поёни йўқ денгиз унинг амрига бўйсуниб, шу сокин тунда жаҳлидан тушгандай...

Хаёлга чўмаман. Негадир ўша “Ойдин кечалар”да Лайло юборган ширин-шакар шоирона мактублар ёдимга тушиб кетади. Унинг ҳар бир сўзи, жумласи мен учун азиз, аллақачон ёд бўлиб кетган:

“...Денгиз тўлқинлари туғён кўтарганда ёдга олурсиз. Сокин тун қўйнида тин олган денгиз сатҳига назар ташланг-а, худди кумуш дастурхон ёзилгандай. У ой шуъласидан тўқилган. Аввал денгиз сатҳига, сўнг Ойга қаранг, иккисининг ўртасида кумуш нур сўқмоқни кўрасиз, шу сўқмоқ билан Ойга яёв чиқса бўладигандай кўринади, назарингизда...”

Яна хаёлим бўлинди. “Эй менинг ширин ўйларим, бироз тинч қўй мени, чарчадим. Ором олай”, дегим келади. Қаёқда дейсиз, бу тўзғиган хаёлларни эпақага келтириб бўладими?

Табиатнинг гўзаллигидан ҳайратланаман. Аллоҳ бу дунёни шунчалик гўзал, саришта этиб яратган экан. Қаранг, барчаси жойжойида. Осмон. Қуёш. Ой. Беҳисоб юлдузлар ва ниҳоят, Она Ер. Билмайман, одамлар нечун ёнар дунё дейишади, уни бебақо, бевафога чиқариб қўйишган.

Ким айтса ҳам буни бекор айтибди, аксинча, тўғрисини айтсак, дунё эмас, бойлик, тож-тахт, амал бевафодир. Улар ўткинчи, ариллаб-дариллаб юрган одам вақти келиб энг фақир одамга айланиб қолиши мумкин. Шунда улар зорланиб, алам билан биз севган, ардоқлаган ёруғ дунёни ёмонга, бевафога чиқариб қўйишади. Виждон билан айтсак, дунёни бевафо айлайдиган, осойишталигини бузадиган, ёндириб оловоташга айлантирадиган, виждонини ютган, ношукур, ғаламис, нияти ёмон одамларнинг ўзлари-ку!

Эрта тонг билан денгиз соҳили томон йўл оламан. Ўрта ёшлардаги бир аёл қизи билан қирғоқ томон борарди. Уларни мен ҳар куни кўрардим, аммо бирор марта ҳам сўзлашмаганман. Дам олишга келганларига бир ҳафтача бўлди чамамда. Қизалоқ менга кимнидир эслатарди. Онасига қарайман, таниш чеҳралар... қаердадир кўргандекман.

— Синглим, бу қизингизми? — сўрайман қизиқсиниб.

— Ҳа, — дейди аёл ийманибгина. Кейин мени танигандек ер остидан қараб қўйди.

“Қарилик қурсин”, дейман ўзимга-ўзим. Энди фикрлар анча сийқалашган, хотира дафтарига битилган кўп нарсалар хиралашиб қолган, ҳатто ўчиб кетган.

— Кечаси роса ойдин бўлди...

— Шундай... — дейман, секингина.

Аёл тўсатдан:

— Сиз "Ойдин кечалар"нинг муаллифисиз-а, агар янглишмасам?

— Ҳа, шундай, нима эди?

— Қиссангизни бир вақтлар ўқиб чиққан эдим. Дастлаб "Гулистон"да. "Севги қўшиғи" сарлавҳаси остида чиққан, кейин негадир унинг номини ўзгартиргансиз, шундайми?

— Жуда тўғри, ҳаммасини яхши билар экансиз, — дедим аёлнинг зукколигига тан бергандай.

— Нега ўзгартиргансиз? Кечирасиз, саволим ноўрин бўлса...

— Ноўрин эмас. Тўғрисини айтганда, бир қадрдоним қиссани "Гулистон"да ўқиган экан, ўша маслаҳат берган эди, агар китоб қилсангиз, сарлавҳасини "Ойдин кечалар" қилиб ўзгартиринг деб.

Аёл жимиб қолди, у ҳам хаёлга ботиб кетган. Яна нималарнидир сўрамоқчи-ю, лекин ийманиб, ботинолмай тургандай туюлди менга.

Кейин:

— Лайлонинг қиёфасини кимдан олгансиз, агар сир бўлмаса, мабодо ўзингиз бирга ўқиган талабалардан эмасми?

Савол мени ўйлантириб қўйди. Нима десам экан, ўйга чўмаман, гўё сўровчи дилимнинг энг чуқур жойларида шу пайтгача чўкиб, унутилиб кетган илк туйғуни қўзғаётган эди.

“Сутдек ойдин. Бундай кезларда дала бўйлаб ёлғиз юришнинг ўзига хос гашти бўлади. Сен табиатнинг ёлғиз меҳмонисан, бутун мавжудот ихтиёрингда.

Шу вақт қулоғимга қаердандир ёқимли куй эшитилгандек бўлди. Юрагим жиз этиб кетди. Тўхтадим, агар юрсам, қўшиқ йўқолиб қоладигандек. Қимир этмай нафасимни ичга ютиб турардим...

— Нега йиғлаяпсиз, ойдин қиз? Кўққисдан берилган савол қизни чўчитиб юборди, ўрнидан туриб кетди.

— Йиғлаётганим йўқ, қўшиқ айтаяпман...

— Танишиб қўяйлик, менинг номим Самар, — дедим.

— Меники Лайло... — деди уялибгина...”

Ўзимга келиб:

— Ҳа, айтгандай... балки сиз ҳақлисиз...

— дейман қаршимда турган аёлга.

Суҳбатдошим безовталигимни сезгандай, бироз жим турди-да, ҳар тарафга ўзини ташлаб, қирғоқдаги майда-майда тошларни денгизга ирғитиб, тиниб-тинчимаётган қизалоғига:

— Ҳой, Лайло, тағин бирортага тегиб кетмасин, — деди бақириб.

Бир нарса келиб юрагимга теккандай бўлди. Бу овоз жуда узоқдан келгандай туюлди менга.

— Лайло... Лайло... дедингизми?

— Ҳа, қизимнинг исми Лайло, Ойижоним қўйганлар, — деб қўшиб қўйди.

— Ойингиз?..

— Ҳа, Ойижоним — менинг онам Исмигул Носирова бўладилар. Янглишмасам, сиз билан бирга ўқиганлар...

— Лайло невараларими? — сўрайман ийманиб.

— Ҳа, неварларига шу исмни Ойижонимнинг ўзлари қўйганлар.

Яна хаёл мени олисларга олиб кетди.

— Исмигул, онам денг. Оқила хушсурат қиз эди... Ўзи ишқилиб соғ-саломатми?

— Ўтган йили оламдан ўтдилар...

Юрагим жиз этиб кетди, гўё ичимдан бир нарса узилиб кетгандай.

Нега ҳам сўрадим, индамай қўяқолсам бўлмасмиди? Бошқа ҳеч нарса дея олмадим...

Денгиз қуёш нурида жимирлайди, лекин яна безовта. У бир поёнсиз дунёга ўхшайди. Оромбахш эрка сабо қайлардандир ўт-ўланларнинг ширин бўйини олиб келиб, димоққа уради. Севги ғунчалари чечак очган унутилмас дамлар кўз олдимда намоён бўлади. Суқланиб денгизга термуламан.

Ўша қўшиқ ёдимга тушади:

**Ой олдида юлдуз лип учди — йўқолди,**
**Қалбимда аланга ишқ чўғлари қолди.**
**Бер менга торинг, севгим ардоқлай,**
**Қалбимга олов ёққан ёрим сўроқлай...**

Аёл менинг ҳолатимни кўриб, балки бир яхшилик қилмоқчи бўлдими:

— Биласизми, Онажонимнинг “ён дафтарлари” қолган, сингиллари Моҳира холамда. Сизнинг Мастурангиз.

Юрагим шув этиб кетди, ҳаяжон ва нигунлик қалбимни эзарди. Мастура ёдимга тушди, омон экан-да. Наҳотки, Лайлонинг ўз қўли билан битган дафтарчаси қолган бўлса! Ярам янгиланди. Қувонишни ҳам, андуҳ чекишни ҳам билмасдим.

— Қаерда туради, Моҳира? Мени маъзур тутасиз, уй манзилини айтиб беролмайсизми? — дедим астагина.

— Ёзиб бераман, кўнглингиз тўқ бўлсин, қалам-қоғозларим хонада эди...

* * *

Дам олишдан қайтгач, Моҳиранинг уйини қидириб топдим. Ўша мен учун қадрдон Олмазор кўчасида қурилган баланд иморатларнинг учинчи қаватида турар экан.

Қўнғироқни босаман. Кутаман ва ниҳоят:

— Кимсиз, — деган овоз эшитилди, эшик калити буралиб, сочлари оппоқ оқариб кетган бир аёл кўринди.

Ўша, ҳа, ўшанинг ўзи. Таниш чеҳра. Ҳаёт унинг гулгун юзида ўз изларини қолдирган. Аввалига мени танимади, мен ҳам.

— Ассалому алайкум, сиз Исмигул опанинг синглиси Моҳира бўласизми?

— Ҳа, шундай, нима қилди? — аёл таажжубда, шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, шўрлик опамни ким йўқлаб келибди, дея саросималанарди.

— Қора денгизга дам олгани борган эдим, мен билан ўқиган Исмигул опанинг қизи билан танишиб қолдим. Исми Мактуба экан. Ўша аёл манзилингизни берган эди...

Аёл довдирар, ўз ҳолатидан уялгандек у ёқ-бу ёғини тузататган бўлди.

— Қани, уйга киринг, — деди ийманиб.

Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Катта хона чеккасида пианино турибди. Деворда турмуш йўлдоши билан бирга тушган сурати.

— Биласизми, йўқлаб келганим боиси, менга опангизнинг "ён дафтарлари" керак эди, йўқотмайман, тезда қайтариб олиб келиб бераман, кўнглингиз тўқ бўлсин.

Моҳиранинг ранги ўзгариб кетди. Кўзига ёш олиб:

— Опажонимними?.. Ҳа, ҳа, "ён дафтар"лари бор... Авайлаб сақлаб қўйибман уни, нечун керак бўлиб қолди сизга?

Ўша, саодатли кунларни эсладим: Моҳира ёш эди. Лайлонинг садоқатли синглиси.

— Шунчаки танишиб чиқмоқчи эдим. Менга ишонаверинг...

Моҳира стол тортмасини очиб, анча эскиб қолган кўк муқовали дафтарни олиб қўлимга тутқазди.

Минг хаёллар билан “ўтиринг”, дейишларига қарамай, тезда бу хонадонни тарк этдим.

Уйга бордиму шоша-пиша дафтарни бирма-бир варақлайман. Ўша менга таниш ёзувлар. Ёшликдаги қалбдан чиққан ўтли сатрлар. Сулув қўшиқчи қизнинг дардлари, ички кечинмалари битилган эди унда.

Ўқийман:

“Тўлин ой тутилмоқда. Осмон юзасида севгига мойил дилларга нур бахшида айловчи само гўзали — қамар ўз ёғига ўзи қоврилмоқда... Уни ким куйдирмоқда, юрагига ким ўт ёқмоқда, билмайман. Қараб юрагим уюшади, нотавон ошуфта кўнглимда ачиниш, ич-ичимдан хўрсиниш келади. Ажабо, бу кўкнинг маликаси умр бўйи куяди. Нечун шундай? Ҳа, бу тақдир тақозоси. Ана, куя-куя ҳилолага айланди, ўроққа ўхшар. Кейин бутунлай куйиб адойи тамом бўлади. Бир неча дақиқа қоронғилик, зулмат чўкди оламга. Кўкда энди Ой йўқ. Юлдузлар бўлса чарақлаб кетар, гўё осмон уларга қолгандек... Сайёралар ичиндан съад ахтарни излайман...

**Ой куяди, безовта дил,**
**Юрагимга сиғмайди қил,**
**Вужудимни қамрар туғён,**
**Хаёл қурғур тўзғир ҳар ён.**

**Бир дақиқа ойсиз само,**
**Қайга кетмиш ул бевафо?**
**Ишқ аҳлига не чоралар,**
**Чарақлайди сайёралар.**

**Ой куйиши ўтар кетар,**
**Юрагим қолар ёнганча...**



Адиб ўз невара-чеваралари билан.

Шеър билан битиклар ҳам тугади.

Мана, бу — иккинчи ёзув:

“Қизиқ, юрагим негадир ёнар, кимнидир қўмсайман. Кеча Самар не учундир хомуш кўринди, балки менга шундай туюлгандир. Балки унинг ошуфта қалбига ўт тушгандир, билдирмайди, айтмайди ҳам.

Юрагим оппоқ қоғоздек топ-тоза эди, унга мен билмай, кимдир ўз дардларини битган. Қалбимни ғижимлайди. Бунга ҳаққи бормиди унинг. "Инсон юрагида Аллоҳнинг исми бор", дейишади. Чунки зоти олийнинг ижодкори Тангрининг ўзи-да. Уни турли ғараз-офатлардан, ёмон кўзлардан асрамоқ даркор эрур. Юрак шишаси бир синмасин, қайтиб жойига келмас! Қалб кўздан ҳам олдин кўради, агар билсангиз. Ҳамма мўъжиза — Яратгандан. Бир қуртга ипак тўқитиб инсонни кийинтиради, заҳарли аридан асал етказган ҳам буюк Раббимдир. Дунёда ҳаёт-мамот учун зарур бўлган уч нарса бор: Қуёш, Ҳаво, Сув. Агар шулардан биттаси бўлмаса, инсон бир дақиқа ҳам яшай олмайди, ҳаёт тўхтайди... Раъно деган ажойиб дугонам бор. Санъатга ҳаваси зўр. Унга ҳам Яратганнинг ўзи қалам ҳадя этган. Қўли гул, қалби гўзал қиз...

Эркин, озод қушча эдим-ку, юрагим очиқ, пок, дардсиз эди. Қўшиқ, ҳа, фақат қўшиқ билан яшар эдим. Ажабо, энди бўлса сайёд домига илиниб қолгандайман. "Кўзларинг гўё туман, бир йиғи, бир кулги", дейди учрашув чоғида. Бу ўхшатишни қайдан топибди, Самар? Тушунмадим, нима демоқчи бу билан? Балки унинг шоирона ўхшатувими? Нечунким йигит кишининг ҳам ўз кўз қараши, дарди бўлади. Кейин юрагида сўйлаганлари юзига, тилига чиқади-да. Ўйлаб қарасам, Самарнинг юрагида дард, иштиёқ, ҳавас, эзгулик бор. Балки менинг тақдирим унинг ҳаёти билан туташиб кетгандир. Ушбу кечинмаларимни дафтаримга ёзаяпман-у, ўзим изтиробда, уяламан, ҳеч ким йўқ бўлса ҳам. Юзларим уят-номусдан қизариб кетаётгандай. Бу менинг қалбим нидоси, юрагим унлари. Айтолмайман дилимдагиларни... Севиб қолдимми ё? Қизлик иффати, орияти дардларимни сўзлашга йўл бермас, тилим лол. Муҳаббат инсон қалбидаги илоҳий бир нур. Қай юракка туташса, бир умр ишқ алангасида куяди...”

Бу ёзувлар чамамда ўша биз Мирзачўлга бориб келгандан кейин битилган. Йили, куни аниқ ёзиб қўйилибди. Ўша ёшлик, саодатли кунларнинг нафаси уфуриб турибди. Эҳ-ҳе, қандай бахтиёр дамлар эди ўшанда. Ёшлик, беғуборлик йиллари тонги тумандек ўтиб кетди.

Мана, яна равзаи чаман келди. У эшигимизни қоқмоқда. Қиши билан эзилган, ғижимланган юракларга навбаҳор шабадалари малҳамдек ёқади. Қарилик қурсин, дейман ўзимга-ўзим. Худди абадий музликлардек бутун вужудимни эзиб ётибди. Аммо илк баҳор шабадаси озгина бўлса ҳам эритгандай, умр баҳорини эслатгандай. Ўтган кунларни, юракнинг энг чуқур жойларида сақланиб қолган туйғуларни қўзғатгандай. Шунда ёшлигим, севги-садоқатга чанқоқлик йилларни қўмсайман... Қани энди бир илоҳий куч бўлсаю, ёшлигимга қайтсам. Бу бир орзу, юрак нидоси, айтдим-қўйдим-да, яна қайтмаслигини биламан. Аммо юрак ўша-ўша ёшлигича қолган...

Ёдимда, баҳор айёми, пешайвонда опамлару қўшнимиз қизлари қошларига ўсма қўйиб ўтиришарди. Чиройли бир манзара. Ёмғир ёғиб, кўкда камалак ҳосил бўлган эди ўшанда. Онамнинг сўзлари эсимга келди. “Қизлар камалакка қараб қошларига ўсма қўйганларида, Оллоҳдан ўзларига бахт-саодат тилар эмишлар”.

Лайло дала боғимизга ташриф буюрган ўша дамларда Нигора билан ўсма қўйиб ўтирганларини эслайман. Иккиси икки хаёл билан, орзу-умидлар оғушида эдилар, энди билсам. Энг қизиғи, онам ўчоқ бошида менга: “Мабодо бу қизинг артист эмасми, ўйланиб уйлан”, деган эдилар. Нима қилса ҳам онаизорда. Ҳақиқатдан ҳам, муҳаббатли турмуш қурмасанг умринг азобда ўтади. Шуни ёдингда тут, унга амал қил, бўлмаса кейинги пушаймонлар сенга ёрдам бермас. Агар шундай чўғ юрагингга тушса, хурсанд бўл, у яна аланга олади, унинг ривожига йўл бер, ҳеч кимга берма.

Бу “Севги дафтари” экан-ку, дедим Лайлонинг ёзишмаларини ўқиб. Баҳор айёмини жуда-жуда севарди қиз тушмагур. Нозик ва хуштабиатли эди. Қўшиқларида ҳам гуллар мадҳи, табиатнинг ранго-ранг манзараларини тараннум этарди.

Самода паға-паға оппоқ булутлар кезади. Бу баҳорнинг яна бир манзараси. “Булутлар қайга кетаяпти?”, деб сўрайди, Лайло. “Сув ичгани”. “Ҳайронман, нега ахир сув ичишади?”. “Сувга тўйиб олгач, қайтиб келиб она Ерга обиҳаёт бахш этади”, дейман.

Кўкда чақмоқ чақиб, осмон гумбурлади. Бир нарса қарсиллаб кетди. Ёмғир аввал томчилаб турди, сўнг бирдан ёға бошлади, худди челаклаб қуйгандай. Табиат, дов-дарахтлар чўмилаётгандай. Сайраб турган қушлар авжи бир дақиқа тиниб, улар пана жой истаб қолишди.

Яна бир хат. Сиёҳ бироз камайиб қолганми, ё бўлмаса хат узоқ сақлангани учунми кўп жойлари хиралашиб, ўқиб бўлмайдиган бўлиб қолган. Мен учун ниҳоят азиз бўлган ҳар бир ҳарф, ҳар бир сўз, жумлани синчковлик билан ўқийман:

“Сокин тун... Шундай дамларда ўзимни ёлғиз ҳис этаман. Қўлимда қалам, нималарнидир ёзгим келади! Қалам ҳам Аллоҳнинг марҳамати бўлса керак. Қуръонинг «Қалам сураси»да қалам инсон зотига ато этилган буюк неъматдир, дейилган.

Яна севги, муҳаббат, ишқ дейдилар. Бу ноёб туйғунинг исми ҳам кўп. Ажабо, севги қандай пайдо бўлган? Ўзи нимайкин? Дардми, аламми? Ё соғиниш, қўмсаш, юрак нидосимикин? Эъзоз, эзгулик ёки бўлмаса юрак оҳими? Севги ҳам Аллоҳнинг иноятини, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Яна шуниси борки, севги — севги бўлсаю, ҳижронлари, соғинчлари бўлмаса унинг. Ҳаёт сенга бахт-саодат берсаю, бўронлари, айриликлари бўлмаса. Унда муҳаббатнинг қадри қолмасди, дард ҳам бўлмасди, балки ҳаёт ҳам. Яшамасди инсон деган буюк зот!

Самар бир куни менга: “Рашкимга хафа бўлма, бу қусур аввалдан сенга содиқлигим, бениҳоя севганлигим белгиси. Агар сен мен учун барибир бўлсанг, рашк қилмасдим”, деди. Шу-шу, уни жондан севиб қолдим... Бу дардни ҳеч кимга айтолмайман. Унинг муборак исмини қалбим ичра яширганман...

Қани энди шоира бўлсаму, қўшиқ тўқиб, куй ёзиб, ўзим айтсам. Дилимдаги дардларимни куйга солсам. Ҳисларимни кимга сўзлай. Мен учун энг қадрдоним — онам. Меҳрибон, ғамхўрим. Қизлар ўз дардларини, сирларини дастлаб оналарига айтишади-да!”

Лайлонинг ёзувлари жуда чиройли эди. Айниқса, шеърни боплаб, жимжимадор қилиб, четларига гул солиб ёзарди. Мана, ўша шеър:

**Ойи, ойи айтингчи менга,**
**Севги деган нимайкин ўзи,**
**Ростми шу гап, донолар айтмиш:**
**“Муҳаббатнинг кўр эмиш кўзи”.**

**Чўғдек тушиб қалбнинг қўрига,**
**Сўнг юракка ўт ёқар эмиш.**
**Ташлаб сени ҳижрон — фироққа,**
**Дилинг уйин вайрон этармиш.**

**Ёки сени бахтиёр этиб,**
**Ҳаётингда бир бор келармиш,**
**Қўшиқ каби яшаб дилингда,**
**Умринг боғин баҳор этармиш.**

**Ҳақиқатни яширмай айтинг,**
**Севги деган ноёб туйғуми,**
**Ёки бирор ўткинчи нарса,**
**Дақиқалик тушми, уйқуми?...**

Қўшиқ ўзимга ёқди. Секин-аста уни оҳангга солиб куйлай бошладим...

Ўйлаб қарасам, севги дардига дучор бўлганим, унга меҳрим тушгани, лайлунаҳор суҳбатига муштоқлигим рост.

Эсладим: шу қўшиқни Лайло бир куни институтга излаб борганимда, катта концерт залида куйлаётганини эшитганман. Маҳлиё бўлганча охирги қаторга ўтириб олдим. Нақадар жозибали, ёқимли эди куйи ҳам. Ашулани айтиб бўлди-да, пианинога бошини қўйиб бироз тин олди. Мен индамай, унга халал бермай ўтиравердим. Кейин пианинода яна ўша қўшиқ куйини иштиёқ билан сурud айлади.

Биз ўша куни Лайло билан бирга кетдик. Аммо негадир қўшиқ ҳақида бир оғиз ҳам мулоҳаза, фикр юритмадик.

Лайлонинг дафтарида қиз қалбининг нидосини тафсир этадиган кичик-кичик шеърий парчалар ҳам бор эди:

**Баъзан сени рашк қиламан,**
**Қусур дема бу одатим,**
**Агар билсанг бу ҳолатим,**
**Азбаройи суйганимдан.**

**Сўзлашмасдан йўл юрамиз,**
**Сен хаёлда, мен хаёлда.**
**Қанча юрдик шу ҳолатда,**
**Юрак бирга урар фақат...**

Бу мисралар менинг рашк ҳақида унга айтганларимнинг ифодаси эди.

Бундай шеърий гулдасталар, тўртликлар анчагина бор. Баъзилари таҳрир этилган, кейин қайтадан ёзилган.

Мана бу шеър бўлса аввал ёзилиб, кейин негадир ўчириб ташланган:

**Йилдик узун, узоқ кечалар,**
**Қани энди тонг отақолса.**
**Юрагимни эзмай шунчалар,**
**Ёмғир қурғур тез тина қолса,**
**Шивирлайди, тун билан тинмай,**
**Эзиб ёғар, аста майдалаб.**
**Қулоғимга неларни айтар,**
**Уйқум қочиб кетди хаёллаб.**
**Уйқусиз эй, дардли кечалар,**
**Пешонамда синиқ изларсиз.**
**Севгисиз тун, ҳижрон дардида,**
**Умид билан кимни изларсиз.**

Мен бу сатрларни қайта тикладим, тўғриси бошқатдан кўчириб ёздим. Афтидан, Лайло ўз дардларини ҳеч кимга айтмаган. Дилидагиларини ниҳоятда сир тутган. Ҳатто уни ҳаракатлари, ўзини тутиши, кўзларидан ҳам тушуниб бўлмаган. Ўзини соддаликка олиб, ҳеч нарса билмагандай, ошиқ йигитни куйдириб юраверган. Шунчалик мағрурлик, шунчалик хаёли, иффатли бўлиш мумкинми эди, ахир!

Ўша сўнгги учрашув куни Анҳор бўйида сайр этган чоғимизда мен унга юрак дардларимни изҳор этмоқчи бўлдим, қарангки, ҳушёр қиз гапни бошқа томонга буриб юборди. Мен бўлсам, юрак сирларимни ичимга ютиб қолавердим. Нега шундай қилдим экан? Ўзимни шу дамгача кечиролмайман. Афтидан, унинг гулдек нозик туйғуларига озор етмасин, қўполлик қилиб қўймай деган хаёлга борган бўлсам ажаб эмас. Албатта, ўша учрашувда баъзи фикр-туйғулар изҳори бўлган, лекин очиқ сўзлар ичимизда қолиб кетган. Уни Лайло ўзи билан олиб кетди. Мана энди “ён дафтари”ни ўқиб англаяпман-ки, унда менга бўлган олий, муқаддас туйғулар тўлиб-тошиб ётган экан.

Мана бу қўшиқ шунинг исботи. Унга “Даричамни биров чертдими” деб сарлавҳа қўйибди:

**Хаёлимнинг кўзгусидан сен,**
**Бир дақиқа нари кетмайсан.**
**Жамолингни кўз-кўз қиласан,**
**Сўрагандек, энди қалайсан.**
**Қалай бўлсин, айрилиқ қурсин,**
**Бардошларим тугади ёниб.**
**Мижжа қоқмай тонгни кутаман,**
**Уйқусизлик дардин кечаман.**
**Туйғуларим пойингга ташлай,**
**Эвазига муҳаббатинг бер.**
**Ғам тошини майли кўтарай,**
**Қўя қолсанг озгина меҳр.**
**Даричамни биров чертдими,**
**Қайларгадир дайдийди хаёл...**
**Дилим ўйнар: дилдор келдими,**
**Афсус, афсус, ҳазилкаш шамол...**
**Хаёлимнинг кўзгусидан сен,**
**Бир дақиқа нари кетмайсан...**

“Ён дафтар”нинг сўнгида битилган бир қўшиқ, тўғриси, дилимни вайрон этди. Билмадим, нега ёзибди, нима учун, бирор нарсани билганми ё ғойибдан?... Агар касал бўлиб ётганда ёзилган десам, Лайло шифохонада ётганда икки-уч кун ўзига келолмади. Мен уни кўролмадим, сўзлашолмадим. “Ўша менман...” деб сарлавҳа қўйилган қўшиқ нечун, қайдан дафтарга кириб қолибди? Бу жумбоқ. Ёки шунчалик ўзича машқ қилганми, ё бирортанинг шеърига ўхшатма этиб ёзганми, билолмадим:

**Арғимчоғин солиб турналар**
**Олислардан қайтиб келганда,**
**Юрагингда бир нарса ёниб,**
**Ич-ичингдан завол кетганда,**
**Мени ёд эт, ўша менман —**
**Илк севгингман.**
**Қалдирғочлар “вал-фарж”ин айтиб,**
**Айвонингга келиб қўнганда,**
**Билгил ўша баҳор муждаси,**
**Муҳаббатнинг сенга саждаси.**
**Мени ёд эт, ўша менман —**
**Илк севгингман...**
**Ойдин кеча боғ кўча бўйлаб,**
**Қўшиқ айтиб ўтса бир йигит.**
**Қуёшни қутлаган дамларни қўмсаб,**
**Ёш томчиси тушса юзингга,**
**Мени ёд эт, ўша менман —**
**Илк севгингман...**
**Наврўз келиб олам-олам гул,**
**Новдаларда ҳаёт уйғонса.**
**Қирлар узра гулханлар ёниб,**
**Лолаларни сабо ўйнатса —**
**Мени ёд эт, ўша менман —**
**Илк севгингман.**

Ўқиб, ўз-ўзидан кўзимга ёш келди. Хўрлигим келиб, унсиз йиғладим. Гўё Лайло менга ўз дарду ҳасратларини ташлаб кетгандай. Эссиз, дейман, шундай истеъдод соҳибаси бекордан-бекорга оламдан кўз юмиб кетса, ғунчадек очилмай сўлса. Қулоғимга ўша қадрдон қўшиқ эшитилгандай бўлади:

**Нақадар сокин, мусаффо,**
**оппоқ ойдин кечалар...**

Шу билан "Ойдин кечалар"нинг қиссаси адоғига етди. Дунё шундай — ойнинг ярми ёруғ, ярми қоронғу. Гўё инсон умрига менгзайди. Бахт-саодатли, азобуқубатли дамлар инсон ҳаётининг ёруғ ва қоронғуликларидир. Ҳаёт бўлса бир очиқ эшик — бу ёғидан кириб, иккинчи томонидан чиқиб кетганингни билмай қоласан.

Ёруғ дунёга келиш бор, кетиш ҳам. Бу ўзгармас азалий қонуният. Туғилганда йиғлаб дунёга келасан, кетаётганда эса бу олам ишларидан кулиб, кўз юмасан. Аллоҳ даргоҳига кўчасан.

**Газетанинг навбатдаги сони 26 декабрда чиқади.**

## Дунё — кенг...



### ТУЗУМНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН АДИБ

**Бундан қирқ йил олдин — 1962 йили Москвада чиқадиган “Новый мир” журналида “Иван Денисовичнинг бир куни” номли ҳикоя босилиб чиққанда ҳали Солженициннни шўро китобхонлари билишмасди. Шу бир ҳикоянинг таъсири турғунликка маҳкум этилган улкан мамлакатнинг нафақат маданияти, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳам ларзага солган эди.**

Бу йил машҳур рус адиби Александр Исаевич Солженицин таваллудига саксон беш йил тўлди. Ўша олтмишинчи, етмишинчи йилларда унинг асарлари қўлёзма ҳолда, қўлдан қўлга узатилиб ўқилгани, рост сўзга беҳад катта эҳтиёж сезган “совет фуқаролари” уларни “ямламай ютгани” ҳақида маълумотлар кўп.

Албатта, бу қўлёзмаларда ўқувчиларнинг юрагига аланга ёққан Солженициннинг бадиий санъати эмас, балки собиқ совет тузумининг абадий эмаслиги, бу жамият тузалмас дардга гирифтор бўлгани, унинг келажаги йўқлиги тўғрисидаги бадиий башоратлар эди. “Сўқирларнинг сўқир етакловчилари! — деб ёзганди у ёзувчилар сафидан ҳайдалган пайтлар. — Ҳозирги инқироз пайтида бизнинг оғир хасталикка дучор бўлган жамиятимизга фақат ўзингизнинг нафратга йўғрилган ҳушёрлигингиздан бўлак бошқа дармон бўларли бирор-бир амалий ёрдамни таклиф этолмайсиз”.

1988 йили собиқ АҚШ президенти билан Россияга келган америкалик мухбирлар москвалик ёзувчилардан Солженицин ҳақидаги фикрларини сўрашади. Ўз саволларига “қониқарли” жавоб олишган мухбирлар кейинчалик: “Гранин ва бошқалардан олган жавобимиз шу бўлди: Солженицин зерикарли ёзувчи, унинг биз билан бирга эмаслиги — йўқотиш эмас”, деб ёзишган экан.

А.Солженициннинг саксон беш йиллиги муносабати билан ёзилган “Труд” газетасидаги мақоласини адабиётшунос Ю.Кублановский шундай ғамгин оҳангда якунлайди: “Эндиликда рус адабиётининг турғунлигига эмас, балки шайтону тангрини тан олмай қўйган қумқумига қараб туриб, маҳзун ўйларга борасан: Солженицин — Россиянинг энг сўнгги кўламдор адиби, энди бундай ёзувчилар етишиб чиқадиган заминнинг ўзи йўқ”.

### ЖАЗОНИ ЎТАШ ЖОЙИ — КУТУБХОНА

**Ҳаётда содир этиладиган айрим жиноятлар қонун ҳимоячиларини ҳам лол қолдиради. Бироқ зукколик билан иш кўрилганда бундай бошқотирмаларнинг ҳам тўғри ечимини топса бўларкан. Туркияда бир жўжахўроз ўспирин устидан ўқилган суд ҳукми бунга мисол бўла олади.**

Кўчада жиқиллашиб қолган болакайлардан бири ёнидаги пичоқни ишга солиб, рақибининг қўлини жароҳатлайди. Суд бу ишни кўриб чиқиб, безорини, ёшлиги боис, қамоққа ҳукм қилишдан тийилади. Бироқ унинг қилғилиғини жазосиз ҳам қолдириб бўлмасди. Суд ҳайъати ўзаро кенгашиб олганидан сўнг, боланинг устидан кутилмаган ҳукмни эълон қилади. Унга кўра, жиноят содир этган ўсмир ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари кутубхонага қатнаб, китоб мутолааси билан машғул бўлиши керак. Фақат шу йўл билан у ўзи содир этган қилмишга яраша жазосини тортиши лозим.

### ГЮНТЕР ГРАСС — КАЛАМУШЛАР ҒАМХЎРИ

**Европа мамлакатларида уюшмалару иттифоқларнинг сон-саноғи йўқ. Жумладан, Германияда ҳам. Яқинда бу мамлакатда “Каламушларни яхши кўрувчилар ва боқувчилар бирлашмаси” ташкил топганининг ўн йиллиги нишонланди.**

Бирлашманинг 750 нафар аъзоси бор. Уларнинг асосий фаолияти каламушлар ҳақидаги нотўғри фикрларни бартараф этиш йўлида кенг кўламда тарғибот ишларини олиб боришдан иборат. Шубҳасиз, жамиятда каламушлардан жирканиш ҳисси жуда кучлилиги боис, аъзоларнинг қўли қўлига тегмайди, дейди бирлашма раҳбари Иолф Майер.

Майернинг уйида узун думли саккизта каламуш парвариш қиланар экан. Уларнинг тарбияси ва парвариши учун жаноб Майер ҳар куни икки соат вақтини сарфларкан.

Дарвоқе, Нобел мукофоти совриндори ёзувчи Гюнтер Грасс бу бирлашманинг фахрий аъзоси ҳисобланади. У "Каламушлар" номли китобнинг муаллифи.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50*
*Санъат бўлими: 136-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчилар — Фаррух РАСУЛОВ, Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 861. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН